



100070, Toshkent shahar, Miroqilov ko'chasi, 68<sup>а</sup>  
Te1.: (371) 252-20-63, 252-20-65  
Fax (371) 255-77-07  
e-mail: [info@uzsm.uz](mailto:info@uzsm.uz)  
site: [www.uzsm.uz](http://www.uzsm.uz)

68<sup>а</sup>, Mirokilov str., 100070 Tashkent city  
Te1.: (371) 252-20-63, 252-20-65  
Fax (371) 255-77-07  
e-mail: [info@uzsm.uz](mailto:info@uzsm.uz)  
site: [www.uzsm.uz](http://www.uzsm.uz)

## ПРЕСС-РЕЛИЗ

2017 йил 26 июл куни соат 15<sup>00</sup> да Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти томонидан Республикализ объектларини қурилиш материаллари билан таъминлаш борасидаги “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти таркибидаги корхоналар томонидан бажарилган ишлар, истиқболдаги режалар ва мавжуд имкониятлар мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтади.

Бугунги кунда Ўзбекистонни улкан бунёдкорлик майдонига қиёсласак арзиди. Негаки, мамлакатимиз бўйлаб кўплаб янги саноат корхоналари, замонавий тураржойлар, кўркам ижтимоий-маишӣ объектлар жадаллик билан қурилаяпти. Жойларда қад ростлаётган бундай муҳташам иншоотлар нафақат турмушимизни янада обод ва фаровон этаётгани, балки иқтисодий қудратимизни юксалтиришга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир. Қурилиш, бунёдкорлик бўлаётган Юорт, тинчликдан, фаровонликдан, файзу-баракадан дарак беради. Ушбу ишларнинг самарадорлиги объектларни сифатли қурилиш материаллари билан доимий равища таъминлаб боришга боғлиқдир.

Бундан мақсад – аҳолини арzon, сифатли, кенг турдаги қурилиш материаллари билан таъминлаш, янги иш жойлар очиш. Бундай материаллар кўп ва арzon бўлса, одамлар уй-жой қуради, янги мактаб ва ишифохоналар, корхоналар, йўллар бунёд этади. Халқимиз фаровонлиги янада ошади.

Ўзбекистон Республикаси қурилиш материаллари саноати учун бой минерал-хом ашё ресурсларига эга.

Ўзбекистон ҳудудида 500 дан ортиқ ғишт, цемент, керамзит хом-ашёси, табий тош, гипс, оҳактош ва бошқа конлар аниқланган бўлиб бугунги кунда улар базасида боғловчи, иссиқликни химоя қилувчи, деворбоп ва томёпгич каби материаллар кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари фаолият юритмоқда, шу билан бирга шиша, асбоцемент, керамик комбинатлар ва бошқа буюмлар ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритиб келмоқда.

Мамлакатимиз ва жаҳон бозорида ўзбек декоротив пардозбоп тошлари – мармар, травертин, гранит, габбро ўзининг табиий чиройи, сифати ва рангининг хилма-хиллиги билан бутун дунёга маълум ва машҳурдир.

Ўрта Осиё минтақасидаги республикалар орасида Ўзбекистон қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун хом-ашё заҳиралари бўйича етакчи ўринни эгаллади.

Республикамиз давлат баланси томонидан кўплаб қурилиш материаллари заҳиралари мавжуд конлар, шу жумладан: ғишт ишлаб чиқариш учун 215 та, цемент ишлаб чиқариш бўйича 37 та, сараланган тошлар олиш учун 30 та, ойна ҳомашёси бўйича 7 та, оҳактош бўйича 24 та, табиий пардозбоп тошлар бўйича 93 та, минерал толалар ишлаб чиқариш учун базалът тоши бўйича 3 та, қум шағал аралашмалари бўйича 91 та, силикат буюмлар ишлаб чиқариш ва қурилиш ишлари учун қумлар бўйича 28 та, керамзит хом-ашёси учун 15 та, гипс бўйича 19 та ва бошқа конлар хисобга олинган.

Мухтарам Президентимиз томонидан республикамизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари бўйича белгиланган вазифалар асосида қурилиш материаллари саноатига муҳим эътибор қаратилмоқда. “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти ҳам айни шу борадаги вазифаларни ўзи учун аниқ йўналиш сифатида белгилаб олди.

2017 йил 14 январдаги республика Ҳукумати йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўрсатиб берилган 2017 йилда мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастуридаги устувор йўналишларни амалга ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасида, 2017 йилнинг 1-ярим йил давомида иктисодиётнинг ўсиш суръатлари ва макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш таъминланди.

Рақамларга эътибор қилсак, жамият тизимида кирувчи корхоналар томонидан 2016 йилнинг 6 ойига нисбатан маҳсулотнинг умумий ишлаб чиқариш хажми 7 % га ўсиши таъминланди ва 1,5 трлн. сўмлик саноат маҳсулотлари ҳамда халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди.

Истеъмол бозорини замонавий қурилиш материаллари билан бойитиш ва унга бўлган талаб ва эҳтиёжни қондириш мақсадида, Республика Ҳукумати томонидан қурилиш материаллари тармоғини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Асосий фаолият йўналиши республикамизнинг қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи корхоналари фаолиятини мувофиқлаштириш бўлган, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 25 октябрдаги “Республика қурилиш материаллари саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига мувофиқ, қурилиш материаллари саноати тузилмасини янада ривожлантириш ва диверсификация қилиш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, технологик ва техник қайта жиҳозлаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда унинг экспорт потенциалини ошириш, халқаро талаб ва стандартларга мувофиқ замонавий корпоратив бошқарув усусларини жорий этиш мақсадида, қайта ташкил этилган.

Жойларда, қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи янги корхоналарни барпо этиш орқали қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини яхшилашга ва уларни сифатли қурилиш материаллари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ички эҳтиёжни қондириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2615-сонли “2016-2020 йилларда қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш дастури тўғрисида”ти қарори ўз вақтида қабул қилинган бўлиб, унга кўра умумий қиймати 1,2 млрд. доллар бўлган жами 80 та инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши белгиланган.

Қарорда, янги корхоналарни барпо этиш ва амалдагиларини модернизация қилиш, тайёр маҳсулот нархининг ва сарф-ҳаражатларнинг камайишини таъминлайдиган замонавий энергияни тежовчи технологияларни тадбиқ этиш ҳисобига сифатли деворбоп материалларни ишлаб чиқариш хажмини ошириш белгиланган.

Мазкур қарорга асосан, қурилиш материалларини ишлаб чиқариш хажмини ошириш, уларнинг турларини кўпайтириш, замонавий технологияларни ўзлаштириш ва тадбиқ этиш, янги, рақобатбардош қурилиш материалларини ишлаб чиқарувчи қувватларни Республика худудларида оқилона жойлаштириш кўзда тутилган бўлиб, 2016 ва 2017 йил 6 ой давомида жами 158 млн. долларлик 39 та лойиҳа амалга оширилди.

Барчамиз биламизки, цементсиз ҳеч қандай қурилишни амалага ошириб бўлмайди. Йил сайин, айниқса Мустақиллик йиллари давомида республикамизда бунёдкорлик кўлами кун сайин ошиб бориши сабабли қурилиш материалларига бўлган талаб ҳам ошиб бормоқда. Мазкур масалаларни ҳисобга олган ҳолда Ҳукуматимиз томонидан тармоқ олдига ишлаб чиқариш қувватларини техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш, янги инвестиция лойиҳаларни амалга ошириш топшириклари аниқ белгиланди.

Кейинги 5 йил ичida Ўзбекистонда цемент ишлаб чиқариш икки баробарга, яни йилига 8,5 миллион тоннадан 17 миллион тоннага оширилиши режалаштирилган.

Мамлакатимизда халқаро стандартларга жавоб берадиган замонавий қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Сўнгги йилларда 30 дан ортиқ турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Йирик лойиҳаларга тўхталиб ўтсак,

Фарғона вилоятида умумий қиймати 5,3 млн.долларлик йилига 3,5 млн.кв.м. 3-Д усулда сопол плиткалар ишлаб чиқарувчи “Модерна Керамикс Ферғана” қўшма корхонаси;

Тошкент вилоятида умумий қиймати 2 млн.долларлик йилига 200 минг дона санитартехник керамик маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи “Бест Метал Констракшн” қўшма корхонаси;

Андижон вилоятининг Асака туманида умумий қиймати 3 млн. долларлик, йилига 50 минг тонна цемент ишлаб чиқаришга ихтисослашган “Эверест метал фаворит” корхонаси;

Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида 12,0 млн. долларлик йилига

200 минг тонна цемент ишлаб чиқарувчи “Жомбой цемент” корхонаси шулар жумласидандир.

“Жиззах” маҳсус индустрисиал ҳудудида “Сирдарё Керамик Продакшн” корхонасида йилига 4 млн. кв.м глазурли керамик қопламали плиткалар (лойиҳа қиймати 24,2 млн.доллар);

Жиззах вилоятида “Эко Климат” (Ўзбек-Хитой) қўшма корхонасида йилига 10 минг тонна иссиқликини сақловчи материаллар (лойиҳа қиймати

7 млн.доллар);

Самарқанд вилоятида “Прайм Керамикс” (Ўзбек-Россия) корхонасида йилига 2,75 млн. кв.м катта ўлчамдаги керамик қопламали плиткалар (лойиҳа қиймати 25,38 млн.доллар);

Тошкент шаҳрида “Конвектор” корхонасида йилига 100 минг дона замонавий сантехника маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди (лойиҳа қиймати 2,7 млн. доллар).

Президентимизнинг 2016 йил 23 декабрдаги ПҚ-2697-сонли “2017 йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ тасдиқланган инвестиция дастури доирасида тармоққа оид инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш давом этмоқда.

Дастурнинг манзилли қисмига асосан шу йилнинг январ-июнь ойларида 40,1 млн.АҚШ доллари эквивалентига teng бўлган маблағ ўзлаштирилди, бу прогнозга нисбатан 131,1 %ни ташкил қилди.

Бу масалаларни ижобий ҳал этиш, хорижий сармоядорларни республикамизга жалб этиш ва янги турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга оширишга «Ўзқурилишматериаллари» жамияти ва корхоналар мутахассислари бевосита ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Масалан Ангрен эркин иқтисодий зonasида хитойлик инвесторлар билан биргаликда «Great Wall Ceramics» ҚҚ томонидан қуввати йилига 3,5 млн. кв.м бўлган сопол плиткалар ишлаб чиқарувчи лойиҳа амалга оширилмоқда.

Корхонани ишга тушириш 2018 йил апрель ойига режалаштирилган.

Натижада 100 га яқин янги иш ўринлари яратилиши, импорт ўрнини босувчи, ракобатбардош, сифатли пардозбоп сопол плиткаларни ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Жиззах вилоятида, «Мега инвест» ҚҚ томонидан базалът толаси асосида замонавий энергиятежамкор арматура ва иссиқлиқ сақловчи материалларини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Европа технологиясига асосланган, евростандарт талабларига жавоб берувчи маҳсулот ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Лойиҳанинг умумий қиймати 52 млн.АҚШ долларига teng бўлиб, бундан 15 млн. АҚШ доллари хорижий инвестицияни ташкил қиласди.

Тошкент вилоятининг Юқориҷирчиқ туманида қуввати йилига

2,1 млн.кв.м. бўлган керамик плиткалар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш лойиҳаси Эроннинг “EMG” хорижий корхонаси томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур қувватларни ишга туширилиши 2017 йил тўртинчи чорагига режалаштирилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 11,0 млн.АҚШ долларига teng бўлиб, бундан 8,0 млн. АҚШ доллари хорижий инвестицияни ташкил қиласди.

Тармоқ корхоналари нафақат ички бозорни таъминлаш, балки ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспортга сотиш топшириқларини ошифи билан бажарип келмоқдалар.

Жорий йилнинг 6 ойида, маҳсулот экспорти ҳажми 46,9 млн. АҚШ долларини ёки ўтган йилга нисбатан 224 %ни ташкил қиласди.

Жорий қувватларнинг модернизация қилиниши ва янги корхоналарни ишга тушириб замонавий, ракобатбардош турдаги қурилиш материалларини ишлаб чиқарилиши натижасида 2007 йилдан хозирги давргача экспорт қилинувчи маҳсулотларнинг турлари 12 тадан 48 тагача

кўпайди, бунинг натижасида маҳсулотнинг экспорт ҳажми 33,9 млн. АҚШ долларидан 107,0 млн. АҚШ долларгача ошди.

Бугунги кунда маҳсулотни экспортга чиқариш бозорларини кенгайтириш мақсадида, маркетинг ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги кунда Туркманистан, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Афғонистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Эрон ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Асосий масалалардан яна бири бу маҳаллий хом-ашёдан кўпроқ рақобатбардош, экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва имкон қадар импорт ҳажмини камайтириш. Бу борада жамият корхоналари маҳаллийлаштириш Дастурига асосан бир қатор лойиҳаларни амалга оширдилар. 2016 йил якуни бўйича маҳаллийлаштириш дастури доирасида қарийб 45,9 млрд. сўмлик

10 турдаги янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди (санфаянс

маҳсулотлари, композитли арматура, металл ва углерод буюмлари, Зд керамик плиталар, ўсиш 2,6 маротаба). Натижада, четдан келтириладиган биргина санфаянс маҳсулотларининг импорти 3,0 млн.долларгача камайтирилди; жорий йилнинг 6 ой даврида маҳаллийлаштириш дастури бўйича 22,7 млрд.сўмлик 7 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва прогнозга нисбатан 264 % ни ташкил қилди.

Ташки ва ички бозорларда маҳаллий маҳсулот ва хизматларнинг рақобатбардошлилигини ҳамда экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида, 2017 йилгача ИСО 9001:2000 ҳалқаро стандартига мос келувчи сифат бошқаруви тизимлари (СБТ) 30 та корхонада жорий этилган.

Бу кўрсаткич 2017 йилнинг 1 ярим йиллик якуни бўйича 46 тага етказилди, 2017 йилнинг якунига қадар эса ушбу кўрсаткич 75 тага етказилади.

Республика қурилиш бозорини маҳаллий хом-ашёлардан ишлаб чиқарилган, ҳалқимизга манзур юқори сифатли, замонавий қурилиш материаллари билан тўлиқ таъминлаш, экспорт ҳажмини ошириш тармоқнинг бугунги кундаги асосий мақсади ва вазифаси ҳисобланади.

Айни пайтда, “Ўзқурилишматериаллари” акциядорлик жамияти томонидан қурилиш материалларининг ички ва ташки бозорларда маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, тармоқни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун инвестицияларни, айниқса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, ушбу соҳадаги етакчи чет эл компаниялари билан юқори сифатли замонавий қурилиш материалларини кенг турда ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхона ва ишлаб чиқаришларни ташкил этиш мақсадида, қатор амалий ишлар жадал бошланган.

Жумладан, республикамиз ҳудудларида замонавий қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича Хитой, Россия, Корея, Туркия ва бошқа давлатларнинг фирма ва компаниялари билан қўшма корхоналар ташкил этиш борасида мазокаралар ўтказилмоқда.

Жорий 2017 йилда республикамизда қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича жами 2128 та лойиҳалар мавжуд бўлиб, уларнинг умумий қиймати 3,2 трлн. сўмни, шу жумладан 1,2 трлн. сўм лойиҳа ташаббускорларининг ўз маблаглари, 1639 та лойиҳа бўйича 1,3 трлн. сўм тижорат банклари кредитлари, 196 млн. доллари хорижий инвестицияларни ташкил этади. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида 30 мингта янги иш ўринлари яратилади.

Мазкур лойиҳаларни амалга оширишда жамиятимизнинг ҳар бир мутасадди ходимлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар ҳамда тегишли идора ва ташкилотларнинг масъул вакиллари билан ҳамкорликда ҳисоб-китобларнинг асосланганлиги, кафолатланган молиялаштириш манбалари ва эришиладиган прогноз натижаларнинг аниқлигига асосий эътибор қаратилмоқда.

Ушбу эзгу мақсадларни юқори савияда, самарали ва натижали амалга оширишимиз учун Президентимиз ва Ҳукуматимиз томонидан барча имконият ва шароитлар яратиб берилган бўлиб, жамоамиз билан биргаликда олдимизга қўйилган аниқ мақсад ва вазифаларни муваффақиятли бажаришга зарурый имкониятларимиз мавжуд.